



ТАСЛИҚЛАЙМАН”

Мирза-Пай ИТБ бошлиғи

Қ.Мирзаев

» 2022 йил

Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги Ўнг-Қирғоқ каналининг ПК191+00, ПК202+00, ПК208+00, ПК215+00, ПК220+00 лардаги жойлашган сув ўтказувчи шаршараларни таъмирлаш ва қайта тиклаш объектларидаги ишларини лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш учун.

НУҚСОН ДАЛОЛАТНОМАСИ

10.10.2022 йил.

Жомбой ш.

Биз қуйдагилар :

- | | |
|---|-------------|
| 1. Мирза-Пай ИТБ ИТ ва ГИФШБ бошлиғи: | А.Махмудов |
| 2. Сув ресурсларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи: | С.Суяров |
| 3. Мирза-Пай ИТБ участка бошлиғи: | Ф.Эсанов |
| 4. Ўнг-Қирғоқ канали бошлиғи: | Қ.Рўзикулов |

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йилда қўйилган сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан ишончли таъминлашга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чоратadbирлар тўғрисидаги 2022 йил 10 майдаги 243-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Жомбой туман ҳудудидан ўтувчи туманлараро Ўнг-Қирғоқ каналининг ПК191+00, ПК202+00, ПК208+00, ПК215+00 ва ПК220+00 да жойлашган сув ўтказувчи шаршаралар ҳолати ўрганиб чиқилди.

Ўрганишлар жараёнида қуйдагилар аниқланди.

Ўнг-Қирғоқ каналининг ПК191+00, ПК202+00, ПК208+00, ПК215+00, ПК220+00 Шаршараларнинг сув ўтказиш қобилияти 46.0 м³/сек. Шаршаралар 1956 йилда ишга туширилган. Каналнинг умумий узунлиги 21.2 км, нишаблиги жуда юқори бўлиб, 1.0 км масофага 1.5-1.8 метр тўғри келади, Зарафшон дарёсидан сув олади. Бу ҳудудларда 2000 дан зиёд хужалик истиқомат қилади канал Булунғур, Жомбой ва Пайариқ туманларининг 0.00 гектар экин майдонларини сув билан таъминлаб “Оқдарё” дарёсига сувни транзит ўтказиш учун хизмат қилади.

Ўнг-Қирғоқ каналининг ПК191+00 да жойлашган шаршаранинг ҳолати ўрганилганда ишпоотнинг ўзанида чуқурлиги 50-60 см бўлган чуқурчалар ҳосил бўлган.

ПК208+00, ПК215+00 ва ПК220+00 ларда жойлашган шаршараларнинг сув сўндиргич ўзани ва ён қияликлари бетон қопламаси кўчиши натижасида иншоотнинг ўзанида 1-1.5 метр чуқурликдаги чуқурчалар ҳосил бўлган бу эса аҳоли экин майдонлари ерларига жиддий хавф туғдириши мумкин.

Юқорида кўрсатилган ПК лардаги шаршаралар тамирланса 39200 гектар экин майдоннинг сув таъминоти яхшиланиб ва шу ҳудудларда яшовчи аҳоли хонадонлари ва экин майдонларининг ювилиш хавфи камаяди.

Ушбу шаршараларни таъмирлаш 550 тн. Цемент ва 65.0 тн металл ва бошқа ер ишларини бажариш зарур.

Мирза-Пай ИТБ ИТ ва

ГИФШБ бошлиғи:



А.Махмудов

Сув ресурсларидан фойдаланиш

бўлими бошлиғи:



С.Суяров

Мирза-Пай ИТБ Мирза участка бошлиғи:



Ф.Эсанов

Ўнг-Қирғоқ канали бошлиғи:



Қ.Рўзиқулов